*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 129 (8869). ● 2 июль, 1986 йил ● ЧОРШАНБА ● Баҳоси 3 тийин.

# ВАРШАВА ИШЧИЛАРИ БИЛАН САМИМИЙ УЧРАШУВЛАР

ВАРШАВА, 1 июль. (ТАСС махсус мухбирлари). ПБИП X съезди ишида иштирок этаётган КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачев бошчилигидаги КПСС делегацияси бугун ПБИП Марказий Комитети Биринчи секретари, ПХР Давлат Кенгаши Раиси В. Ярузельский билан биргаликда Польша пойтахтидаги энг йирик замонавий корхоналардан бири — К. Сверчевский номли аниқ ўлчов аппаратлари заводига борди. Бу корхона Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатларнинг узоқ муддатга мўлжалланган икки томонлама иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлиги негизида ва социалистик ҳамдўстлик давлатларининг асримиз охиригача мўлжаллаб тузилган илмий техникавий тараққиёт комплекс программасида ишлаб чиқариш кооператив алоқаларини чуқурлаштиришда актив иштирок этмоқда.

Меҳнат коллективи иккала партия раҳбарларини шоду хуррамлик билан кутиб олди. Завод дарвозаси олдида уларни ПБИП Варшава комитетининг, завод дирекцияси, партия комитети ва жамоат ташкилотларининг вакиллари табрикладилар.

М. С. Горбачев ва В. Ярузельский заводга номи қўйилган таниқли ҳарбий арбоб К. Сверчевский ҳайкали пойига гуллар қўйдилар. Корхонанинг партия-хўжалик активлари билан учрашув бўлиб ўтди. Заводнинг бош директори, бошқа раҳбарлари коллективнинг меҳнат фаолияти, партия комитети ва жамоат ташкилотларининг иши тўғрисида сўзлаб бердилар. Бу машҳур коллектив металл қирқиш асбоблари ва ўлчов приборлари тайёрламоқда. Шу беш йилликда корхона ишлаб чиқаришини модернизация қилиш, тайёрланаётган маҳсулотлар турини батамом янгилаш, ишлаб чиқаришни кенг кўламда автоматлаштириш ва механизациялаш режалаштирилган.

Заводнинг совет корхоналари билан ҳамкорлиги самарали ривожланиб бормоқда. Ўтган йили бу корхонанинг Совет Иттифоқига экспорти 90 миллион злотийдан ҳам ортиб кетди. Партия анжумани шарафига социалистик мусобақада қатнашган коллектив ишлаб чиқариш фаолиятининг янги марраларига чиқди.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ва ПБИП Марказий Комитетининг Биринчи секретари Варшавадаги корхона ва Москвадаги «Калибр» заводи ўртасидаги самарали ҳамкорлик тўғрисида ҳикоя қилувчи кўргазмани кўздан кечирдилар. Қарийб чорак асрдан бери бу корхоналар ишлаб чиқариш соҳасида яқиндан ҳамкорлик қилмоқдалар. Яқинда бу турдош корхоналарнинг шу беш йилликдаги ҳамкорлик планига имзо чекилди. Бу планга кўра электрон — ўлчов ускуналарининг янги авлодини биргаликда ишлаб чиқишга киришиш мўлжалланган. «Калибр» тажрибасига эргашиб Варшавадаги корхонада бригада пудрати жорий этилди. 11 шундай бригада ҳозир янгичасига ишламоқда. Янги методнинг жорий этилиши туфайли меҳнат унумдорлиги 20 процентдан кўпроқ ортди. Кўпгина бригадалар КПСС XXVII съезди ва ПБИПнинг X съезди шарафига меҳнат вахтасида туриб ишладилар. М. С. Горбачев, В. Ярузельский, КПСС делегациясининг аъзолари завод цехларида бўлиб, ишчилар билан самимий суҳбатлашдилар.

Корхонада 35 йилдан кўпроқ ишлаётган ўлчов асбоблари цехи силлиқловчиси Я. Швибяк билан суҳбатда КПСС делегациясининг бошлиғи корхона ишчиларининг меҳнат ва турмуш шароитлари билан қизиқди. КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг ишчи С. Вишневский билан суҳбати меҳнат унумдорлигини ошириш масалаларига тааллуқли бўлди. Бригадир В. Матвейчук корхонада совет ишчиларининг ибрати асосида бригада пудрати кенг жорий этилаётгани ҳақида гапириб берди.

М. С. Горбачев тажрибали ишчи И. Станьчак тайёрлаётган маҳсулотни кўздан кечириб унинг аъло сифатини таъкидлаб ўтди. И. Станьчак билан суҳбат чоғида у ҳозирги ишчи илгариги ишчи эмаслигини қайд этиб ўтди. Ҳозирги ишчи — юқори маълумотли, малакали кишидир. Унга кўпроқ ишониш, унинг фикрига қулоқ солиш керак.

Цехларни айланиб чиқишганидан кейин ишчи Е. Афанасиев коллектив номидан КПСС делегацияси бошлиғига аниқ ўлчов асбоблари намуналари тўпламини совға қилди.

Польша-Совет дўстлиги митинги бўлди. Бу митинг Польша-Совет дўстлигининг ҳаяжонлантирувчи намойишига айланиб кетди. Митингда завод партия-хўжалик активларининг, шунингдек революцион ва меҳнат анъаналари билан машҳур бўлган Варшавадаги Воля райони меҳнат коллективларининг неча юзлаб вакиллари иштирок этдилар.

Завод партия комитетининг секретари Е. Каня митингни очиб, иккала партия раҳбарларини, КПСС делегацияси аъзоларини чин кўнгилдан табриклади. У Польша коммунистлари, ПХРнинг ишчилар синфи бундан буён ҳам Совет Иттифоқи билан қардошлик ва дўстликни, ҳар томонлама ҳамкорликни мустаҳкамлайдилар, деб таъкидлаб ўтди.

Ишчи С. Потоцкий ўз нутқида СССР ва ПХР ўртасидаги самарали ҳамкорликнинг яхши анъаналарини қайд қилиб ўтди. Корхонамизнинг «Калибр» заводи билан ҳамиша кенгайиб бораётган алоқалари ана шу ҳамкорликнинг ёрқин тимсолидир. Ёш бригадир А. Сконецкая Польша ёшлари Совет Иттифоқининг тинчлик сиёсатини ва амалий ташаббусларини актив қўллаб-қувватлаётганликларини уқтириб ўтди. Биз ҳам совет ёшлари каби тинчликда яшаш ва ишлашни истаймиз, деди у.

ПБИП Варшава комитетининг биринчи секретари Я. Кубасевич ва завод ишчиси В. Блажеевский М. С. Горбачевга Варшаванинг эсдалик медалини топширдилар.

М. С. Горбачев нутқи самимият билан кутиб олиниб, катта диққат-эътибор билан тингланди, қайта-қайта узоқ давом этган қарсаклар билан бўлиниб турди.

## М. С. ГОРБАЧЕВ нутқи

Азиз ўртоқлар!

Самимий кутиб олганлигингиз учун катта раҳмат.

Мана шундай дўстона вазиятда сизларга, барча варшаваликларга, Польшанинг ишчилар синфи ва меҳнаткаш халқига мамлакатимиз меҳнаткашларидан, совет халқидан қизғин салом топшириш менга айниқса қувончлидир.

Сизларнинг ишларингиз қандай бораётганлигини ўз кўзимиз билан кўриш, поляк ишчилар синфи нималар билан банд эканлигини ҳис қилиш делегациямизга мароқли ва фойдали бўлди. Мамлакат проблемалари меҳнат коллективининг ҳаётида қандай акс этаётганлигини билишни ҳам истардик.

Афсуски, сизлар билан танишув қисқа бўлди, суҳбатлар йўл-йўлакай ўтказилди, деса бўлади. Лекин бизнинг умумий таассуротимиз тўғрисида гапирадиган бўлсак, шубҳасиз, у жуда ёқимлидир. Сверчевский номли завод — илғор корхона эканлиги, бу ерда техника тараққиётининг қадрига етадиган, ўз ишига ҳалол муносабатда бўлаётган, фикр юритувчи ва малакали кишилар ишлашаётганлиги кўриниб турибди.

Бу — яхши жиҳатлар тўғрисидаги гаплар. Ўз камчиликларингизни эса сизлар бошқа ҳар қандай кишига қараганда яхшироқ биласизлар. Улардан халос бўлиш учун ҳаракат қилаяпсиз, албатта. Белгиланган режаларни рўёбга чиқаришингизни, завод шарафини юқори кўтаришингизни астойдил тилаймиз. Шундай ҳам заводингизнинг шуҳрати баланд. Бироқ, бир жойда туравериш, шуҳратга маҳлиё бўлавериш ярамайди. Кимки, тўхтаб қолса, эртами ёки кечми инқирозга учраш хавфи остида қолади.

Биз Польша Бирлашган ишчи партияси X съездининг ишида қатнашиб, поляк коммунистлари истиқболга комил-ишонч билан назар ташлашаётганлигига қаноат ҳосил қила олдик. ПБИП Марказий Комитетининг ўртоқ В. Ярузельский қилган докладида, партия программасининг лойиҳасида халқ ҳокимияти йиллари мобайнида вужудга келтирилган йирик ишлаб чиқариш ва фан-техника потенциалидан самарали фойдаланиш йўллари белгиланган. Сизларда проблемалар, анча мураккаб проблемалар ҳали кўп, албатта. Худди мана шулар ҳақида съездда рўйирост, очиқ-ойдин гаплашиб олинмоқда. Бу гапларни эшитганингда ғоят мамнун бўласан, киши. Ўз кучларига ишонган кишиларгина ҳал этилмаган проблемалар ҳақида шундай гапиришлари мумкин.

Аминмизки, қийин давр бартараф этилади, поляк ишчилар синфи, поляк халқи ўз ватанини иқтисодий ва социал тараққиётнинг янги марраларига кўтара олади лар! Азиз ўртоқлар, биз сизларга астойдил шундай қилишингизни тилаймиз!

Мамлакатларимизнинг мақсади битта, турли шароит ва миқёсларга қарамай бизнинг ривожланиш стратегиямиз муштаракдир. Социал-иқтисодий ривожланиш, фан-техника революцияси ютуқларини эгаллаш, халқларимиз дадил танлаб олган социалистик тузум имкониятларини мумкин қадар кўпроқ намоён этиш мана шу стратегиянинг моҳиятидир. Биз КПСС XXVII съездида ўз олдимизга мана шундай вазифани қўйдик. Барча қардош партияларнинг муддаолари ҳам мана шундай деб айтиш мумкин.

(Давоми 2-бетда).

## ДЎСТОНА СУҲБАТ

1 июль куни Варшавада КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев ПБИП Марказий Комитетининг Биринчи секретари, ПХР Давлат Кенгашининг Раиси В. Ярузельский билан учрашди.

М. С. Горбачев В. Ярузельскийни Польша Бирлашган ишчи партиясининг X съезди иши муваффақиятли бошланганлиги билан самимий табриклади ва поляк коммунистлари олий анжуманининг қарорлари ПБИПнинг жанговарлик қобилиятини ва жамиятдаги обрў-эътиборини янада мустаҳкамлашга, Польшанинг социал ва иқтисодий жиҳатдан муваффақиятли ривожланишига, СССР билан ПХР ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлашга хизмат қилади, деб ишонч билдирди.

В. Ярузельский КПСС-нинг мўътабар делегацияси съезд ишида қатнашаётганлиги иккала партия ва халқ ўртасида вужудга келган муносабатларнинг қардошлик характерини, Совет — Польша иттифоқининг мустаҳкамлигини акс эттирди, деб таъкидлади. У партия тарихида биринчи программани қабул қилар экан, танглик даври оқибатларини узил-кесил бартараф этиш, ижтимоий ҳаётнинг ҳамма соҳаларида мамлакатнинг янги марраларга силжиши йўлларини белгилаб берадиган ПБИП X съездининг жуда муҳим характерини уқтириб ўтди.

Иккала партиянинг раҳбарлари Совет — Польша ҳамкорлиги қандай давом этаётганлиги ва унинг натижалари тўғрисида фикрлашиб олдилар. Социалистик интернационализм, тенг ҳуқуқлилик ва ўртоқларча ўзаро ёрдам принципларига асосланган Совет — Польша дўстлиги замон синовидан тўла-тўкис ўтганлиги мамнуният билан қайд этилди. Фашизмга қарши, халқлар озодлиги ва мустақиллиги учун биргаликдаги курашда шу дўстликнинг негизларини яратган, урушдан кейинги йилларда қўлни-қўлга бериб янги ҳаёт қурган иккала мамлакат коммунистларининг кекса авлодлари улар қолдирган бебаҳо мерос сақлаб қолинишига ва мустаҳкамланишига ишончлари комил бўлаверсин.

Иқтисодий ҳамкорлик масалаларини кўриб чиқиш пайтида СССР билан ПХР ҳукуматлари, план органлари, министрликлари ва идоралари кейинги вақтларда машинасозликдаги ва ишлаб чиқаришнинг бошқа бир қанча муҳим тармоқларидаги кооперация ва ихтисослашувни чуқурлаштириш манфаатларини кўзлаб катта иш қилганликлари қайд этилди. Шу беш йилликда иқтисодий ҳамкорликнинг умумий ҳажми анча ортади, бунинг иккала мамлакат халқ хўжалиги учун келтирадиган самараси ҳам шунга мувофиқ равишда кўпаяди.

Шу билан бирга ҳали бу соҳа замиридаги имкониятлардан фойдаланиш борасида келгусида катта иш қилиниши керак. Аввало социалистик иқтисодий интеграциянинг янада юқори формаларига — корхоналар ва бирлашмалар ўртасида бевосита ўзаро фойдали алоқалар ўрнатишга, биргаликдаги фирмалар, илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик коллективларини тузишга ўтиш масаласи кун тартибида турибди. М. С. Горбачев билан В. Ярузельский бу соҳадаги бир қанча конкрет таклифларни кўриб чиқиб, шу таклифларни амалга ошириш ҳақида давлат органларига топшириқ бериш ва бу муҳим ишни партия контроли остига олиш ҳақида шартлашиб олдилар.

Қардош мамлакатлар социалистик ижтимоий тузумнинг ижодий имкониятини иложи борича тўлиқроқ намоён этишга интилаётган ҳозирги шароитда иқтисодий, социал ва сиёсий ривожланиш тажрибасини мунтазам баҳам кўриш алоҳида аҳамият касб этишини суҳбат қатнашчилари таъкидлаб ўтишди. Партия ва давлат алоқаларини, идеология соҳасидаги ҳамкорликни, маданият бойликларини баҳам кўришни, одамлар ўртасидаги бевосита мулоқотни ҳар томонлама кенгайтириш, оммавий ахборот воситалари қардош халқларни бир-бирининг ишлари ва проблемалари билан батафсилроқ таништиришлари учун шароит яратиш муҳимдир.

Суҳбат чоғида ҳозирги халқаро вазиятга катта эътибор берилди. Жаҳон тараққиётининг ҳозирги даврига ва тенденцияларига КПСС XXVII съезди ва ПБИП X съезди материалларида берилган принципиал баҳолар бир-бирига мувофиқлиги таъкидланди.

Ҳозирги пайтда Европа ва жаҳон сиёсатида энг ҳал қилувчи ва масъулиятли босқичлардан бири бошланмоқда. Совет Иттифоқи, Польшанинг ва Варшава Шартномасида қатнашувчи бошқа социалистик давлатларнинг ядровий, химиявий ва оддий қуроллар бутун комплекси хусусидаги таклифлари ҳарбий аслаҳаларни кўпайтиришни тўхтатиш, воқеаларнинг ривожини тинчлик, хавфсизлик ва халқаро ҳамкорлик сари тубдан буриб юбориш учун реал имконият яратади. Бу таклифларнинг амалга оширилишидан нақадар катта манфаат кўрилса, башарти, уларни амалга оширишга муваффақ бўлинмаган тақдирда кўриладиган талафотлар ҳам шу қадар катта бўлади. Халқлар олдидаги ўз масъулиятини ҳақиқатан ҳам англайдиган барча сиёсий арбоблар ва оқимларнинг бурчи инсониятнинг XXI асрга, келажакка ишонч билан қадам қўйиши учун имкони бўлган ҳамма ишни қилишдан иборат.

Суҳбат қатнашчилари бошқа ҳамма қардош партиялар билан, халқаро кескинлик кучайишига қарши, қуролсизланиш сари реал қадамлар қўйиш учун ҳаракат қилаётган сиёсий ташкилотлар ва оммавий ҳаракатлар билан биргаликда актив баҳамжиҳат иш кўришга КПСС билан ПБИП азму қарор берганлигини изҳор этдилар.

Учрашув чуқур ҳамжиҳатлик, самимийлик ва дўстлик вазиятида ўтди.

(ТАСС).

## М. С. Горбачев Москвага қайтиб келди

ВАРШАВА, 1 июль. (ТАСС). Польша Бирлашган ишчи партиясининг X съездидаги КПСС делегациясининг бошлиғи, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев бугун Варшавадан Москвага жўнаб кетди.

Пойтахт аэропортида М. С. Горбачевни ПБИП Марказий Комитетининг Биринчи секретари, ПХР Давлат кенгашининг раиси В. Ярузельский, ПБИП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолари З. Месснер, Ю. Чирек, партия ва Польша давлатининг бошқа раҳбар арбоблари кузатиб қолдилар.

Аэропортда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Ташқи ишлар министри Э. А. Шеварднадзе, КПСС Марказий Комитетининг секретари А. Н. Яковлев ва ПБИП X съездидаги КПСС делегациясининг бошқа аъзолари ҳам бор эдилар.

Кузатиб қолувчилар орасида ПХРнинг СССРдаги элчиси В. Наторф бор эди.

Болалар М. С. Горбачевга гулдасталар тақдим этишди.

* * *

Москвадаги Внуково аэродромида М. С. Горбачевни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолари Г. А. Алиев, В. И. Воротников, А. А. Громико, Л. Н. Зайков, Е. К. Лигачев, Н. И. Рижков, М. С. Соломенцев, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидатлар П. Н. Демичев, В. И. Долгих, С. Л. Соколов, КПСС Марказий Комитетининг секретарлари А. П. Бирюкова, А. Ф. Добринин, В. П. Никонов, КПСС Марказий ревизия комиссиясининг раиси И. В. Капитонов, бошқа ўртоқлар кутиб олдилар.

Кутиб олувчилар орасида ПХРнинг СССРдаги муваққат ишлар вакили А. Пшигоньски бор эди.

(ТАСС).

# КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

30 июнь куни КПСС Марказий Комитетида иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетлари, ўлка ва область партия комитетлари секретарларининг, иттифоқдош республикалар Министрлар Советлари раислари ўринбосарларининг, маориф ва ҳунар-техника таълими органлари, бир қанча министрлик ва идоралар, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитети раҳбарларининг, ўқитувчилар ва олимларнинг кенгаши бўлиб ўтди.

Кенгаш ишида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолари Г. А. Алиев, Е. К. Лигачев, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат П. Н. Демичев, КПСС Марказий Комитетининг секретарлари М. В. Зимянин, Г. П. Разумовский, КПСС Марказий Комитетининг ва СССР Министрлар Советининг масъул ходимлари қатнашдилар.

Кенгашда умумий таълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилиш, КПСС XXVII съездининг халқ маорифи соҳасидаги қарорларини бажариш масалалари муҳокама қилинди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари Е. К. Лигачев кенгашни кириш нутқи сўзлаб очди. Ўрта ва олий таълимни ўзгартиришнинг бутун концепцияси партиянинг программавий мақсадига — социализмни планли равишда ва ҳар томонлама такомиллаштириш, совет жамиятини коммунизм сари янада олға силжитиш мақсадига бўйсундирилган. Мактаб — мамлакат социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштиришнинг энг муҳим омилидир.

Мамлакатнинг кўпгина районларида мактаб ислоҳотини амалда рўёбга чиқариш тажрибаси орттирилган. Ўқувчиларнинг унумли меҳнатини ташкил этиш соҳасида жуда сезиларли натижалар бор. Шу билан бирга, партия XXVII съездида М. С. Горбачев уқтириб ўтганидек, ислоҳотда кўзда тутилган тадбирларни рўёбга чиқариш суръатлари ва теранлиги ҳозирча бизни қаноатлантира олмайди. Бундан ҳамма: халқ маорифи органлари, партия комитетлари, советлар, комсомол, касаба союзлари, тармоқ министрликлари ва идоралари, базавий корхоналар хулоса чиқариб олишлари керак.

Жойлардаги ишларнинг аҳволини ўрганишдан маълум бўлишича, ўқитувчидан, ишлаб чиқариш таълими мастеридан тортиб министргача — ҳамма бўғинларда маориф ва ҳунар-техника таълими ходимларининг иш услуби ва методлари суст қайта қурилаётганлиги учун ислоҳот секинлик билан амалга оширилмоқда. Марказий ва республика Маориф министрликлари ҳамда ҳунар-техника давлат комитетлари, уларнинг маҳаллий органлари ишида қолоқлик ва бюрократизм ўзини сездириб турибди, педагогларнинг коллективларига камдан-кам конкрет ёрдам берилмоқда. Кўпгина мактабларда ва ҳунар-техника билим юртларида ҳар бир ишни қилиш учун юқоридан кўрсатма кутиш одатига барҳам берилмаган, ислоҳот қоидаларини амалга оширишда ташаббус ва қатъият кўрсатилмаяпти.

Таълим-тарбия жараёнининг ҳамма соҳаларини тубдан янгилаш учун чинакам ижодий куч-ғайрат ва муносиб равишда кўлам бўлиши керак. Жамият ўзининг бўлажак гражданлари чуқур ва мустаҳкам билимга эга бўлишларидан, ҳақиқий совет ватанпарварлари сифатида тарбияланишларидан астойдил манфаатдордир. Ўқувчиларнинг илм олиш, меҳнат қилиш ва жамоат фаолиятининг ғоявий-ахлоқий йўналишини кучайтириш керак. Уларни марксча-ленинча дунёқараш руҳида, рўй бераётган воқеаларга баҳо беришга синфий ёндашиш руҳида тарбиялаш бутун таълим-тарбия ишининг ўзаги бўлиши керак.

Демократияни янада чуқурлаштириш совет жамияти тараққиётининг ҳозирги босқичига хос бўлган энг муҳим белгидир. Турмушимизнинг ҳамма соҳаларини ўз ичига олган бу жараён мактабни ҳам четлаб ўта олмайди. Педагоглар коллективларининг, педагогика кенгашларининг ҳуқуқларини амалда кенгайтириш, уларнинг мактаб турмуши ҳамма соҳаларига таъсирини доимо кучайтириш, ота-оналар жамоатчилигининг ташаббусини ривожлантириш лозим. Ўқувчиларнинг ўзлари ҳам мактабни қайта қуришда фаол қатнашишлари, ўзларини актив намоён эта олишлари учун шароит яратиш керак.

Е. К. Лигачев ўқитувчининг ижодий потенциалини шакллантириш масаласини алоҳида бўрттириб кўрсатди. Мактабдаги ижод — ҳар бир шахснинг ўзига хос бўлган алоҳида ва айни вақтда жамоат соҳасида совет мактабининг энг яхши анъаналарига, илм-фан ютуқларига, теварак-атрофдаги турмушнинг бутун бойлигига таянмай туриб ҳақиқий ижодкорлик бўлиши мумкин эмас. Ижодий изланиш бўлмаса, мактабда жонли ҳаёт бўлмайди. Халқ маорифи органлари, партия комитетлари ишнинг бу жиҳатига катта эътибор бермаётганликлари ташвишга солмаслиги мумкин эмас. Педагогик меҳнати усталарини матбуотда, телевидение ва радио орқали кенг ва чуқур пропаганда қилиш лозим. Марказий Комитетнинг июнь Пленумида таъкидлаб ўтилганидек, изланувчан, ижодкор кишилар қийин аҳволга тушиб қолмасликлари, муваффақиятсизликка учрамасликлари учун ғамхўрлик қилиш керак. Педагогика маорифини тезроқ қайта қуриш, педагогика олий ўқув юртларининг обрў-эътиборини ошириш, уларнинг моддий базасини мустаҳкамлаш, энг қобилиятли ёшларни танлаб олишни яхшилаш лозим.

Мактабга диққат-эътибор билан қарашда бурилиш бошланган бўлишига қарамай, СССР Ўрмон, Целлюлоза ва Қоғоз саноати министрлигида, СССР Қурилиш министрлигида, Чорвачилик ва озуқа ишлаб чиқариш машинасозлиги министрлигида, бошқа бир қанча тармоқ министрликлари ва идораларида, корхоналар, ташкилотларда ўз зиммаларига юклатилган вазифаларни бажаришга ҳали ҳам расмиятчилик билан қаралмоқда. Мактабларнинг, ҳунар-техника билим юртларининг, мактабгача тарбия ва мактабдан ташқари тарбия муассасаларининг моддий базасини мустаҳкамлашда, унумли меҳнат учун ўқувчиларга иш жойлари ҳосил қилиб беришда самарали ёрдам кўрсатмаяптилар. Арманистон, Латвия, Туркманистон, Тожикистонда, Пермь, Астрахан ва бошқа баъзи областларда, ўлкалар ва республикаларда маориф ва ҳунар-техника таълими объектларини қуриш планлари муттасил бажарилмай қолмоқда. Бу соҳадаги аҳволни қатъиян тузатиш керак. Партиянинг «Мактаб — умумхалқ, умумпартия ишидир» деган ленинча кўрсатмаси ҳамма жойдаги амалий ишларда рўёбга чиқарилиши керак.

Партия комитетлари, айниқса район партия комитетлари, деб таъкидлади Е. К. Лигачев, ислоҳотнинг энг муҳим бўғинларини кундалик контрол остига олишлари, бутун диққат-эътиборни халқ маорифини педагог ва раҳбар кадрлар билан мустаҳкамлашга, ўқув юртларининг бошланғич партия ташкилотлари жанговарлигини оширишга қаратишлари зарур. Ўқув юртлари тармоқларини ривожлантириш, умумий ўрта таълимни амалга ошириш, ўқувчиларнинг меҳнат тайёргарлигини яхшилаш учун масъул бўлган маҳаллий Советлар кўпроқ ташаббус кўрсатишлари лозим.

Кенгашда СССР Маориф министри С. Г. Шчербаков, СССР Ҳунар-техника таълими давлат комитетининг раиси А. П. Думачев докладлар қилишди.

(Давоми 2-бетда).

## Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлари диққатига

**Ўн биринчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг учинчи сессияси шу йил 4 июль куни эрталаб соат 10 да Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг мажлислар залида очилади.**

**Ўзбекистон ССР Олий Советининг учинчи сессияга келаётган депутатлари 3 июль куни эрталаб соат 10 дан 19 гача Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми биносида рўйхатга олинадилар.**





## ЯНГИ ЛИНИЯДА ЭЛЕКТРОВОЗЛАР ҚАТНАЙ БОШЛАДИ

**● ШУМИЛОВ ва Чингелди станциялари оралиғидаги 67 километрлик темирйўл участкаси электрлаштирилди ва бу маршрутда юк ташийдиган электровозлар қатнови йўлга қўйилди. Суратларда: электровоз машинисти Александр Курбатов; Шумилов станциясидан жўнаётган электровоз.**

Р. Шамсутдинов фотолари.

(ЎзТАГ).

*Пахтакорларга маслаҳат ва тавсиялар*



# ҲОСИЛ ТЎПЛАШДА ҲАЛ ҚИЛУВЧИ ОЙ



Июль — пахтакор учун масъулиятли ой, чунки бу даврда ғўза бирмунча тез ўсади ва ривожланади. Май ва июннинг биринчи ярмида юз берган ноқулай об-ҳаво ўсимликларни ривожланишдан ортда қолдирдики, бу қолоқлик кўп жойларда 5—10 кунни ва ҳатто ундан ҳам кўпроқни ташкил этади. Бунга самарали ҳароратнинг ўтган йилдагига нисбатан камроқ бўлгани ҳам сабабчидир. Экиш муддатларига қараб бу камомад жойларда 60—100 даражадан ошади. 1 июлга қадар республика бўйича ҳали 10 процент майдондаги ғўзалар шоналаш босқичига кирмаганлиги кузатилмоқда. Бундай пайкаллар айниқса ҚҚАССР, Қашқадарё, Навоий ва Фарғона областларида кўп. Шу боисдан ғўза ривожидаги қолоқликни бартараф этиш, мўл ҳосил олинишини таъминлаш учун пахтакорлар олдида июль ойида парваришни бутун чоралар билан кучайтириш вазифаси турибди.

## СУҒОРИШ

ИЮЛДА ғўза ривожи жадал кечади, ҳосил шохлари ва элементлари ёппасига пайдо бўла бошлайди, бу эса пайкалларда сув сарфи кескин ошиб кетишига олиб келади. Тупроқ унумдорлиги ва ҳосилдорликка қараб суткалик ўртача сув сарфи гектарига 50—60 куб метрдан 80—90 куб метргача етиши мумкин. Ўсимлик ривожини жадаллаштириш кўп жиҳатдан агротехника тадбирларини ўз вақтида сифатли ўтказишга боғлиқ. Бунда айниқса қуйидагиларга алоҳида эътибор бериш зарур:

Июлда оптимал сув режимини сақлаш барқарор ҳосил етиштиришнинг бош шартидир. Республика бўйича пахта майдонларининг асосий қисми биринчи сувдан чиқарилди. Бироқ Хоразм, Бухоро, Қашқадарё, Самарқанд областлари хўжаликларида жами майдонларнинг ярми, Қорақалпоғистон АССРда эса мавжуд 167 минг гектар пахтазордан атиги 10,5 минг гектари суғорилган, холос, Ҳар куни суғорилаётган майдон ҳам 500—600 гектардан ошмаётирки, бундай суръат охир оқибат июлда жуда катта майдонларни, жумладан олдин суғорилган ерларни ҳам бирваракайига суғориш заруратини юзага келтиради. Акс ҳолда сув етарли бўлишига қарамай ҳосил элементлари ёппасига тўкилиб кетиши мумкин.

Бу йил сувнинг тақчиллиги ҳаммага маълум, унинг ҳар томчиси қадрланиши керак. Суғоришнинг 3—5 кун кечикиши пахта ҳосилдорлигини гектар бошига 2—4 центнер пасайтириб юборади. Шу боисдан суғоришни сизот сувларининг сатҳи, тупроқнинг механик таркиби, ернинг мелиоратив ҳолати, ғўза нави ҳамда унинг аҳволига қараб қатъий табақалаштириш зарур. Бу эса сувдан фойдаланиш самарадорлигини 15—20 процент оширадики, уни фан ва тажриба ҳам тасдиқлайди. Сув тақчил шароитда бунинг аҳамияти бебаҳо.

Енгил, ориқ тупроқли, шунингдек ер ости сувлари яқин жойлашган майдонларда суғориш нормаси унумдор оғир ва ўрта, шунингдек ер ости сувлари чуқур жойлашган майдонлардагига нисбатан камроқ бўлиши керак.

Енгил тупроқли ва камқувват тошлоқ ерлар июлда уч марта — гектарига 600—700 куб метр нормада суғорилиши лозим. Сизот сувлари 2—3 метр чуқурликда жойлашган ўтлоқ тупроқли ерлар 2 марта, сизот сувлари яқинроқ жойлашган пайкаллар бир марта суғорилади. Бунда сув сарфи гектарига 800—900 куб метрдан ошмаслиги керак. Сизот сувлари чуқур жойлашган бўз тупроқли ерлар гектарига 1.000—1.100 куб метр нормада 2 марта суғорилади.

Бу йилги шароитда суғоришнинг давомийлиги 24 соатдан ошмаслиги лозим. Ғўзани субхўр қилиб қўядиган ва оби ҳаётнинг исроф бўлишига олиб келадиган кўп кунлик суғоришларга мутлақо йўл қўйилмаслик керак.

Сувдан тежаб-тергаб фойдаланиш мақсадида сув яхши сингадиган ва камқувват ерларда жўяклар узунлиги 60—80 метрдан (қатор оралиғи 60 сантиметрлик майдонларда), кенг қаторли пайкалларда 100—120 метрдан; оғир ва сув яхши сингмайдиган пайкалларда тегишли равишда 100—120 ва 150 метрдан ошмаслиги даркор. Суғориш ташламасиз, боши берк жўякларда ўтказилиши керак.

Бу йилги шароитда сувдан кечаю кундуз фойдаланиш, сувни сочиб юбормасдан 10—15 гактарлик участкаларга оқизиш, группа усулини қўлланиш зарур шартлар ҳисобланади. Бунда айниқса сувчиларнинг унумли ишлашлари учун қулай шарт-шароитлар яратиш муҳимдир.

Ишнинг тўғри ташкил этилиши сув исрофгарчилигини камайтиради, барча участкаларнинг текис ва сифатли намланишини таъминлайди. Сув тақчиллиги қўшимча сув манбаларини қидириб топиш ва улардан фойдаланишни тақозо этади.

Ер ости чучук сувлари ўсимлик илдиз системаси озиқланадиган қатламга етиб бориши учун коллектор ва дренажларни тўсувчи иншоотлар ёрдамида еrости чучук сувлари сатҳини кўтариш мақсадга мувофиқ. Хусусан буни Чирчиқ, Ангрен, Норин, Қорадарё, Зарафшон ва бошқа дарёлар этагида амалга оширса бўлади.

Сирдарё, Жиззах, Фарғона, Бухоро, Сурхондарё областларининг эскидан суғориб келинаётган зоналарида тупроқ намлигини тик дренажлар иш режимини ўзгартириш йўли билан ростлаш тавсия этилади.

Бу йил зовурлар, дренаж ва тик дренаж қудуқларидан чиқадиган ҳамма сув оқар сувга аралаштирилиб фойдаланилиши керак. Бунда, албатта, сувнинг минераллашуви белгиланган нормадан ортиб кетмаслиги лозим.

Июль ғўзанинг бўйига ўсиб, керакли миқдорда шона, гул ва кўсак тўплаб олишида ҳал қилувчи ой ҳисобланади. Бу масъулиятли даврда ўсимликларни тўғри озиқлантиришга алоҳида эътибор берилиши керак. Чунки ғўза ривожининг босқичлари ва унинг қанчалик тез кечиши ана шунга боғлиқ. Бугунги кунгача пахта майдонларига минерал ўғитлар йиллик нормаси асосан солиб бўлинди. Умуман республика бўйича ғўза 2,2 марта озиқлантирилди ва яна бир марта озиқлантириш қолди. Бироқ бу иш жуда қисқа муддатда—5 июлгача, экин ривождан ортда қолаётган майдонларда эса 15 июлгача тугалланиши лозим. Минерал ўғитларни шундан кейин солиш, айниқса сув тақчил бу йилги шароитда самара бермайди.

## ОЗИҚЛАНТИРИШ

ОЗИҚЛАНТИРИШ июлнинг биринчи ярмида тугалланганда кечки озиқлантиришга нисбатан ҳосилдорлик гектарига икки-уч центнер ортиқ бўлиши, пахта бирмунча эрта пишиб етилиши кўп йиллик тажрибаларда аниқланган. Агар июлнинг биринчи ярмида гектарига 50—60 килограмм азот, 40—50 килограмм фосфор солинса, ерга малҳам, экинга дармон бўлади.

Ғўза гуллаган даврда қатор оралиғи 60 сантиметр бўлган майдонларда ўғит эгат тубидан 3—4 сантиметр чуқурликка солинади. Кенг қаторли майдонларда эса ўсимлик қаторидан 30—35 сантиметр нарига, эгат тубидан 3—4 сантиметр чуқурликка солиниши керак.

Ўсишдан қолган ғўзаларни озиқлантиришга алоҳида эътибор берилиши лозим. Ғўза энди шоналаган пайкалларда гектар ҳисобига 50—60 килограмм азот, 30—50 килограмм калий солинади. Бу эса гектар бошига 150—180 килограмм аммиакли селитра, 75—100 килограмм калий тузига тенгдир. Агар экиш олдидан ва ғўза шоналагунча фосфорли ўғит берилмаган бўлса, азотли-калийли ўғит билан бирга гектарига 30—50 килограмм фосфор (150—250 килограмм суперфосфат ёки 70—110 килограмм аммофос) солиниши лозим.

Ўғитларни эгат олиш чоғида солиш ва кетма-кет суғориш озуқа моддаларнинг тупроққа текис тарқалиши ва ўсимлик илдизига тез етиб боришини таъминлайди.

Минерал ўғитлар нурига аралаштириб солинганда самадорлиги кескин ортиши кўп йиллик тадқиқотлар ва илғор хўжаликлар тажрибасида қайта-қайта тасдиқланган. Вегетация даврида минерал ўғитларга қўшиб ҳар гектар ерга 500—700 килограмм чириган гўнг солиш пахта ҳосилдорлигини ўртача 2—3 центнер оширади. Аралашма тайёрлашда яхши чиритилган ва элакдан ўтказилган нуридан фойдаланиш керак. Уни бевосита ерга солиш олдидан тайёрлаш ва бир тонна аммиакли селитрага 2—2,5 тонна нури аралаштириш лозим. Минерал ўғитларни тўғри қўлланиш ва озиқлантиришни қулай муддатларда тугаллаш толаси пишиқ, эртаги пахта етиштиришга ёрдамлашади.

Сув тақчиллиги ва катта майдонларда ғўзанинг ривожланишдан ортда қолаётганлиги органик ўғитлардан фойдаланишга алоҳида ёндашувни тақозо этади. Кўп хўжаликларда гўнгни «шарбат» қилиб оқизиш расм. Бироқ бу йилги шароитда нурини махсус мослама ёрдамида қатор оралиғига культивация билан бир пайтда солиш энг юқори самара беришини таъкидлаш лозим. Бунда гектарига 5—10 тонна гўнг сарфланади. У ерга озуқа бўлибгина қолмай, тупроқни мулчалаб, аъло даражада нам сақлаш имконини беради. Ҳозир ҳар бир хўжаликда махсус унумдорлик отрядлари ташкил этиш, уларга зарур ишчи кучи, техника, транспорт воситалари ажратиш лозим. Отряд аъзолари олдиндан тузиб қўйилган план асосида далаларни маҳаллий ўғитга тўйдиришлари зарур. Нурини энг аввало ғўзаси ривождан ортда қолаётган майдонларга солиш керак. Бу усул нурини қўлда челаклаб солиш ёки эгат бошига оқизгандан кўра, шубҳасиз, катта самара беради.







● СУРАТЛАРДА: [юқорида чапдан] Янгийўл районидаги Ленин номли колхоз бригадаси бошлиғи Т. Фозилов ва звено бошлиғи К. Алимов; [пастда] бригадада сув тараш пайти. [Ўнгда] Оққўрғон районидаги «Партия XXII съезди» колхози пахтазорида.

Р. Галиев ва П. Эргашев фотолари.

## ҚАТОР ОРАЛАРИГА ИШЛОВ БЕРИШ

ШУ КУНГАЧА пахтазорлар 4 марта культивация қилинди. Бу эса бегона ўтларнинг асосий қисмини йўқотиш, намни ортиқча буғланишдан сақлаш, суғориш муддатини мумкин қадар чўзиш имконини берди. Июлда ўтказилган культивациядан асосий мақсад қатор ораларини ўз вақтида, сифатли юмшатиш ва шу тариқа тупроқ намини сақлаб қолишдан иборат. Иш шундай ташкил этилиши кераккки, тракторнинг бир ўтишидаёқ кўзланган натижага эришилсин. Ишчи органларнинг тўғри танлангани ва ўрнатилганини, культиваторнинг ҳимоя воситалари билан жиҳозланишини кузатиб бориш лозим. Чопиқ трактори ишлаш жараёнида биронта ҳам ниҳолга зиён етказмаслиги, айниқса бурилиш пайтида кўчатларни нобуд қилмаслиги муҳимдир. Суғоришдан сўнг ўз вақтида сифатли культивация ўтказиш тупроқда намни мўътадил сақлаш имконини беради, ҳаво режимини яхшилайди, микробиологик фаолиятни кучайтиради. Культивацияни суғоришдан сўнг тупроқ етилиши биланоқ ўтказиш зарур. Уни кечиктириш ёки барвақт ўтказиш тупроқнинг майин бўлишини таъминламайди, кейинги суғоришда сувнинг исроф бўлишига олиб келади. Июль ойида культивациянинг лоақал уч кун кечикиши ҳосилдорликни гектар бошига 3 центнер ва ундан ҳам кўпроқ пасайтириб юборади. Культивация чоғида албатта органик ўғитлар солишни йўлга қўйиш лозим. Шу йўл билангина ғўза амалидаги қолоқликни бартараф этиш мумкин.

Культивация сифати кўп жиҳатдан ишчи органларининг тўғри танланиши ва ўрнатилишига боғлиқ. Айни пайтда ККО ишчи органларини ишлатиш зарур. Агар хўжаликларда бороначалар мавжуд бўлса, уларни ҳам ишга солиш керак. Тупроқни сифатли юмшатиш ва ёввойи ўтларни йўқотиш учун қатор оралиғи 60 сантиметр бўлган майдонларда культиваторнинг ишчи органлари камида 24—26 та, кенг қаторли майдонларда эса 32—34 та бўлиши керак.

Бухоро ва Қашқадарё областларининг пахтакорлари ясаган бороначалардан фойдаланиш тажрибаси диққатга лойиқки, улар билан ишлов берилганда тупроқ нами узоқроқ сақланади, суғориш оралиғидаги муддат 3—5 кун узайтирилади, бу эса сув тақчил шароитда жуда муҳимдир.

Тупроқ намидан самарали фойдаланиш, ёввойи ўтларни кўпроқ йўқотиш мақсадида культиватор ишчи органларини мумкин қадар кенг ўрнатиш зарур. Қатор оралиғи 60 сантиметр бўлган майдонларда ишлов кенглиги камида 45—48 сантиметр, кенг қаторли майдонларда эса 75—78 сантиметр бўлиши мақсадга мувофиқ. Культивация чоғида ўсимликларга зиён етказмаслик ва ҳосил нишоналарини тўкиб юбормаслик учун трактор ғилдиракларига тўсиқлар ўрнатиш, культиваторнинг туртиб чиққан қисмини тўсиқлар билан беркитиш ёки латта билан ўраб қўйиш лозим.

Июлда ғўза гуллаб, ҳосил туга бошлайди. Бу даврда унинг илдизлари ҳам энига, ҳам бўйига узаяди. Шу боисдан культиватор ишчи органларини қуйидаги тартибда ўрнатиш тавсия этилади: қатор оралиғи 60 сантиметрли майдонларда — четки ишчи органлар 6—8 сантиметр, ўртадаги чуқур юмшатгич лапка 14—16 сантиметр; кенг қаторли майдонларда эса четки ишчи органлари 6—8 сантиметр, ўртадаги чуқур юмшатгичлар 16—18 сантиметр чуқурликда юриши керак. Культивациядан сўнг эгат ҳосил бўлиб қолишига йўл қўймаслик, қатор оралиғи текис ва майин бўлиши зарур.

## БЕГОНА ЎТГА ҚИРОН СОЛИНГ

РЕСПУБЛИКА хўжаликлари иккинчи чопиқ ва ўтоқни тугалламоқдалар. Далалар бегона ўтлардан асосан тозаланди. Бироқ ҳозирги вазифа фақат ёвойи ўтларни йўқотишдан иборат эмас — уларни таг-томири билан олиб ташлаш зарур. Бунинг учун имконият етарли. Сув тақчил шароитда бегона ўтларнинг тупроқдаги намни исроф этишига сира йўл қўймаслик керак. Ўтоқни бевосита суғоришдан сўнг ўтказиш, юлиб олинган ўсимликларни этакларга солиб пайкал четига чиқариб ташлаш лозим.

Хўжалик ҳисоби асосида звеноларга ёки оилаларга бириктилган пайкаллар бегона ўтлардан тоза эканлиги кўриниб турибди. Бу тажрибани ҳамма жойда кенг қўлланиш ва ҳосил йиғим-теримига қадар унга риоя этиш зарур. Чопиқ пайтида иш сифати фақат ёввойи ўтларни йўқотиш ва тупроқни юмшатишгагина қараб эмас, балки катта меҳнат эвазига етиштирилган ҳар туп ниҳолнинг сақлаб қолинишига қараб баҳоланади.

## ЧЕКАНКА

Июль ойида ҳосил элементларини тўплаш билан бирга ўсимликларни чеканка қилиш ҳам ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга. Чеканка ўтказиш муддати ва технологиясини ҳар бир даладаги кўчатларнинг қалинлиги, ғўзанинг нави, ўсимликнинг ривожланишига қараб қатъий табақалаштириш зарур.

Бу йилги шароитда қатор хўжаликларда ниҳолларнинг ривожи ҳар хил. Бундай тафовут шу кунгача сақланиб қолаяпти. Шу боисдан чеканкани механизмлар ёрдамида икки марта ўтказиш тавсия этилади. Машинада чеканка қилинган пайкалларда ғўзанинг ён шохларини қўлда чилпиб ташлаш лозим. Қўлда чеканка қилишни бошлашдан олдин ҳар бир бригадада кўргазма ўтказиш, бу ишнинг тўғри бажарилишини қатъий кузатиб бориш зарур. Чеканка пайтида ўсимликнинг чилпиб олинган ўсиш нуқтаси этакларга солиниб даладан ташқарига чиқариб ташланиши керак. Бу, ғўза тунламига қарши курашда эҳтиёткорлик тадбирларидан бири ҳисобланади. Ғўза нормал ривожланган майдонларда чеканкани ўрта толали навларда 14—16, ингичка толали навларда 18—20 ҳосил шохи пайдо бўлганда бошлаш мумкин. Ғўза сийрак майдонларда ҳосил шохлари тегишли равишда кўпайтирилади.

## ЗАРАРКУНАНДАГА ЙЎЛ ЙЎҚ!

Июль фақат ҳосил тўплашда эмас, балки уни зараркунандалардан сақлаб қолишда ҳам ҳал қилувчи ой. Ҳавонинг иссиқ ва қуруқ келиши ғўза тунлами, ўргимчаккана, шира, трипс, беда канаси ва бошқа зараркунандаларнинг кўпайишига қулайлик яратмоқда. Ҳозирги вазифа уларнинг манбаларини ўз вақтида аниқлаш, ёппасига кўпайиб кетишига йўл қўймай қириб ташлашдан иборат. Бунинг учун кузатувчилар фаолиятини кучайтириш, зараркунандаларни зудлик билан йўқотиш чораларини кўриш учун улар ҳақида кун-ора аниқ маълумотларга эга бўлиш лозим.

Зараркунандаларга қарши курашда уларнинг манбаларигагина ишлов беришни асосий шарт қилиб олиш керак. Минглаб гектар майдонларга авиация ёрдамида химиявий дорилар сепишнинг ҳожати йўқ. Биолабораториялар ишини кучайтириш, ғўза тунламига қарши трихограмма, габробракон каби фойдали ҳашаротларни, дендробацилин препаратини кенг қўлланиш лозим. Сўрувчи зараркунандаларга қарши эса БИ-58, фозалон, акрекс ва бошқа дориворлар қўлланилади.

Зараркунандаларга қарши курашда ҳар бир усулнинг тўғри ва оқилона йўлга қўйилаётганига, унинг самарадорлигига алоҳида эътибор берилиши шарт.

Атроф муҳитини ифлослантирмаслик мақсадида ер аппаратларини кўпроқ қўлланиш тавсия этилади. Химиявий ишлов чоғида инструкциялар ва тавсияларга қатъий риоя этиш талаб қилинади. Бу ишнинг масъулияти хўжаликларда агроном-энтомологлар, районда эса ўсимликларни ҳимоя қилиш хизмати зиммасига юкланади. Зараркунандаларга қарши кураш тадбирларининг сифатли ва оқилона ўтказилишини улардан қаттиқ талаб қилиш лозим.

Кўп йиллик маълумотлар шундан далолат берадики, барча агротехника тадбирлари тўғри ўтказилган тақдирда июль ойида планни қоплайдиган даражада ҳосил тўплаш мумкин. Бу эса толаси юқори сифатли, эртапишар пахта демакдир.

Хўжаликларнинг раҳбарлари, мутахассислари, бригадирлар, механизаторлар, барча колхозчилар ва совхозларнинг ишчилари июлда мумкин қадар кўпроқ ҳосил тўплаш учун куч-ғайратларини, маҳоратларини сафарбар этишлари зарур. Чунки августнинг биринчи кунларида юз кўрсатган кўсаклар сони июлда қандай ишлаганлигимизга боғлиқ бўлади.

**Тавсияларни Ўзбекистон ССР Агросаноат давлат комитети мутахассислари, «Союзхлопок» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳамда ўсимликларни ҳимоя қилиш Бутуниттифоқ илмий тадқиқот институти олимлари тайёрлашган.**



# САРАТОНДА ҒЎЗА КУН САНАЙДИ, СУВ СЎРАЙДИ



